

---

## Бокс бўйича Учқўприк тумани очиқ биринчилигида 200 нафарга яқин ёш спортчилар иштирок этмоқда

Учқўприк тумани спорт мактабида 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан бокс бўйича очиқ биринчилик мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Мусобақанинг очилиш маросимида иштирок этган туман ҳокими ўринбосари Шухратжон Позилов Учқўприкда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, болалар ва ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўтказилаётган мазкур мусобақалар спорт билан мунтазам шуғулланувчи болалар ва ёшлар сафини кенгайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Туман ҳокимлиги томонидан спорт мактаби билан ҳамкорликда ўтказилаётган мусобақаларда Тошкент шаҳри ва вилоятдан, Фарғона водийси туман ва шаҳарларидан 200 нафарга яқин ёш чарм қўлқоп усталари иштирок этмоқда.

Мусобақалар давомида 2009-2016 йиллар оралиғида туғилган ёш спортчилар рингга кўтарилиб, 19 та вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда.

2024-12-12 13:54:24